

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.27.06.2017.K/T.03.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ТЎХТАЕВ ФЕРУЗ САДУЛЛОЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ВА ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА
КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР СОРБЕНТЛАРНИНГ САМАРАЛИ
ТАРКИБЛАРИНИ ОЛИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07 – «Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва
технологияси»

02.00.06 – «Юқори молекуляр бирикмалар»
(техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тўхтаев Феруз Садуллоевич

Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида композицион полимер сорбентларнинг самарали таркибини олиш ва технологияси ишлаб чиқиш.....3

Тухтаев Феруз Садуллоевич

Разработка эффективных составов композиционных полимерных сорбентов на основе местного и вторичного сырья и технологии их получения.....21

Tukhtaev Feruz Sadulloevich

Development of effective compositions of composite polymer sorbents based on local and secondary raw materials and their production technology.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.27.06.2017.K/T.03.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ТЎХТАЕВ ФЕРУЗ САДУЛЛОЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ВА ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА
КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР СОРБЕНТЛАРНИНГ САМАРАЛИ
ТАРКИБЛАРИНИ ОЛИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07 – «Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва
технологияси»

02.00.06 – «Юқори молекуляр бирикмалар»
(техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т426 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУКда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.gupft.uz) да ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Негматов Сайибжан Садикович
ЎзР ФА академиги,
техника фанлари доктори, профессор,

Негматова Комила Сайибжановна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий опонентлар:

Бабаев Туйғун Мирзаахмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Ибодуллаев Аҳмаджон Собирович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/T.03.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «26» декабр соат «14⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (71)246-39-28; факс: (71)227-12-73; e-mail: gupft@inbox.uz; «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Ташкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (71)246-39-28; факс: (71)227-12-73.

Диссертация автореферати 2019 йил «12» декабр куни тарқатилди.
(2019 йил «18» ноябрдаги №15 рақамли реестр баённомаси).

А.В.Умаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

М.Г.Бабаханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

Н.Х.Талипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда композицион полимер материаллар (КПМ) ва улар асосидаги сорбентларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш йўли билан кимё ва металлургия саноати оқава сувларидан чиқадиган рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш ҳамда тозалашга бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли саноат оқава сувларидан рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш ҳамда тозалаш учун КПМ ва улар асосидаги юқори самарали сорбентларни яратишга саноатнинг кўрсатилган соҳаларида қўлланилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида ноёб бўлмаган, нисбатан арзон сорбцион қобиляти ва физик-механик хусусиятлари юқори бўлган ҳамда узок муддатли КПМни ишлаб чиқиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кимё ва металлургия саноати ишлаб чиқаришида саноат оқава сувларидаги рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш ҳамда тозалаш учун мўлжалланган маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида композицион полимер сорбентлар (КПС) нинг янги авлодини яратиш зарур.

Республикамызда маҳаллий хомашё ресурслари асосида КПСни олиш соҳасида турли чора-тадбирлар ўтказилмоқда ва бу борада маълум натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ушбу илмий йўналишни ривожлантиришда, саноат оқава сувларини тозалаш ҳамда рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш учун КПСни олиш ва уларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 1 ноябрдаги «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3365-сонли қарори, 2018 йил 27 апрелдаги «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш тизимларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3382-сонли қарори, 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3698-сонли қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Янги КПМ, жумладан, сорбцион материалларни ишлаб чиқишда А.Найаши, S.Hulemand, R.Morgen, A.D'Amore, D.Jully, G.Akovali, Н.С.Ениколопов, С.Н.Журков, В.В.Коршак, С.А.Белый, В.А.Вольфсон, А.А.Берлин, М.С.Акутин, Ю.С.Липатов, Э.Ф.Олейник, Ф.Мэттьюз, Г.С.Головкин, М.А.Аскаров, С.Ш.Рашидова, С.С.Негматов, О.М.Ёриев, Т.М.Бабаев, Н.Р.Ашуров, А.Х.Юсупбеков каби таниқли олимлар ўз ҳиссаларини қўшишган. Полимер композицион ва сорбцион материалларни олиш, хоссаларини ўрганиш ва технологиясини ишлаб чиқишга А.Kumar, М.М.Perlman, В.Arkes, S.Geracaris, R.Goudhue, А.А.Askadski, А.Д.Яковлев, В.Г.Савкин, В.П.Соломко, Х.И.Акбаров, М.Г.Мухамедиев, Ф.Н.Юсупов, А.С.Ибодуллаев, К.С.Негматова, Д.А.Гафурова, Д.А.Каримова, А.Н.Набиев ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий изланишлари бағишланган.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, сорбцион қобилияти ва физик-механик хусусиятлари юқори мустаҳкамликка эга бўлган саноат оқава сувлари таркибидаги рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш ҳамда тозалаш учун самарали КПМ ва сорбентларни ишлаб чиқиш соҳасидаги ишлар етарли ҳал қилинмаган. Бу эса металлургия ва кимё саноатида саноат оқава сувларини тозалаш ҳамда рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш учун фойдаланиладиган КПМнинг ўзаро таъсирида полимер-полимер, минерал ингредиентлар ва металл бирикмалар, уларнинг механизмлари билан биргаликда мажмуавий ўрганиш билан боғлиқ мураккабликлар билан боғлиқдир. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларни ҳал этишга бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-12-024 «Композицион полимер сорбентлардан фойдаланилган ҳолда заҳарли чиқинди газларни утилизация қилиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва ИОТ-2013-7-31 «Саноатда ишлаб чиқаришнинг технологик чиқиндиларидан рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни тозалаш ва ажратиш олиш учун композицион интерполимер сорбентларнинг самарали таркибини ва олиш технологияси ишлаб чиқиш» (2011-2013 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида КПСнинг самарали таркибларини олиш ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

КПСни ишлаб чиқиш методлари ва қўллаш имкониятини баҳолаш, ўрганиш ва замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

КПМ ва улар асосидаги сорбентларни ишлаб чиқиш учун тадқиқот усуллари ва объектларини илмий асосланган ҳолда танлаш;

сувли-органик муҳитда полимер-полимер комплекслар (ППК) асосида КПМни олишнинг технологик жараёнларини тадқиқ қилиш;

ишлаб чиқилган КПМ ва улар асосидаги сорбентларнинг муҳим физик-кимёвий, механик ва сорбцион хусусиятларини белгилаш;

ППК ва минерал ингредиентлар асосида КПСнинг самарали таркибини ишлаб чиқиш;

КПСни олиш учун технологик регламент ва ташкилот стандартини ишлаб чиқиш;

саноат оқава сувларини тозалаш ва рангли, оғир, қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш учун КПСни яратилган таркиблари ҳамда ишлаб чиқилган технологияларининг амалий, иқтисодий ва экологик жиҳатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида полианилин (ПАНИ), полиакрил кислотаси (ПАК), поликапроамид (ПКА), бентонит (Б), каолин (К) ва улар асосидаги композицион полимер сорбент танланди.

Тадқиқотнинг предмети КПСнинг органик минерал ингредиентлари сорбцион хоссалари ва физик-механик хусусиятлари, диффузия тадқиқоти, полимер-полимер, полимер органик ингредиентларнинг ўзаро таъсир механизми ва жараёндаги қонуниятларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация иши ИҚ спектроскопия, электрон сканерлаш ва дифференциал-термик таҳлиллар асосида бажарилган. КПМнинг физик-кимёвий ва физик-механик ҳамда сорбцион хусусиятлари стандарт усулларда аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ППК ва органик минерал ингредиентлардан фойдаланиб КПСнинг самарали таркиби ишлаб чиқилган;

қўлланилаётган ППК, минерал ингредиентлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларининг тури ва таркиби КПМнинг физик-механик ва кимёвий хоссаларига боғлиқлиги ўрганилган;

КПМ асосидаги сорбентлар саноат оқава сувлари таркибида мавжуд металл ионлари билан ўзаро таъсирлашганда юқори сорбцион хусусиятларга эга эканлиги аниқланган;

рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш ҳамда кимё ва металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш оқава сувларини тозалаш учун КПМ ва улар асосида сорбентлар олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

КПС орқали рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни олиш ва саноат оқава сувларини тозалаш, юқори физик-механик ва сорбцион хусусиятлари ҳамда улардан кўп бора фойдаланиш имкониятининг самарали технологик жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган физик-кимёвий тадқиқотлар натижасида маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги ППК ва органик минерал ингредиентлардан КПСнинг самарали таркиби ишлаб чиқилган;

КПМнинг сорбцион ва физик-механик хоссаларини асосий ўзгариш қонуниятлари полимер боғловчилар ва органик минерал тўлдирувчиларнинг тури ва таркибига боғлиқлиги ўрганилган;

кимё ва металлургия саноати ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган оқава сувлар таркибидаги рангли, оғир ва қимматбаҳо металллар ажратиб олиш ва саноат оқава сувларини тозалаш учун КПС олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги КПМнинг сорбцион ва физик-механик хоссалари, олинган натижалар математик-статистик метод билан қайта ишлаб чиқилган ҳамда сорбцион, физик-кимёвий ва физик-механик усуллардан фойдаланилганлиги билан асосланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Олинган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, саноат чиқиндиларидан ППК ва органик минерал ингредиентлар тури ва таркибига таъсирининг қонуниятларини аниқлаш йўли билан КПМнинг мустаҳкамлиги ва сорбцион хоссалари белгиланди, кимё ва металлургия саноати оқава сувларини тозалаш ҳамда рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратишда КПСни олиш принциплари назарий асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти КПСларнинг кимё ва металлургия саноати оқава сувларини тозалашда рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида КПС яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Композицион полимер сорбент» учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ts 21645528-08:2019). Натижада кимё ва металлургия саноатида КПСдан оқава сувларни тозалаш, рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш имконини берган;

ишлаб чиқилган КПС Навоий кон-металлургия комбинати марказий илмий-тадқиқот лабораториясида рангли, оғир ва металлларни ажратиб олиш ва саноат чиқинди сувларни тозалаш учун амалиётга жорий этилган (НКМКнинг 2019 йил 7 октябрь 02-06-04/12786-сонли маълумотномаси). Натижада кимё саноати ишлаб чиқаришидаги оқава сувлардан рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш, саноат чиқинди сувларини тозалаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та республика ва 3 та халқаро илмий амалий ва илмий-техникавий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан, 3 та хорижий ва 6 та Республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 120 бетни ташкил этади ва таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар ифодаланган, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, апробациядан ўтказилган натижалар, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Полимер материаллар ва улар асосидаги сорбентларни олиш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқишнинг замонавий ҳолати ва таҳлили»** деб номланган бобида саноатнинг турли ишлаб чиқариш соҳаларида КПМ ва улар асосидаги сорбентларни олиш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш, ППК ва улар асосидаги композицияларнинг хоссалари ва тузилмасини ўрганишга бағишланган бўлиб, диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар таҳлили билан умумлаштирувчи маълумотлар келтирилган. Саноат оқава сувларини тозалашда рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш учун самарали КПСни ишлаб чиқиш масалалари ва истиқболлари кўрсатилган.


Умумлаштирувчи маълумотлардан саноат оқава сувларини тозалашда рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни олиш учун ППК ва органик минерал тўлдирувчилардан фойдаланиб КПМ ва сорбентларни самарали таркибини ишлаб чиқиш ҳамда уларни олишнинг оптимал технологик режимлари ҳақидаги ишлар амалга оширилмаган ва етарли ўрганилмаган. Бу технологик омиллар, ППК ва органик минерал тўлдирувчилар асосидаги КПСнинг физик-механик ва кимёвий хоссаларининг биргаликда мажмуавий тадқиқотлар ўтказишнинг мураккаблиги уларнинг таркиби ва тури, технологик омилларга, шунингдек, илмий-технологик ёндашувлар ва илмий-услубий принципларнинг йўқлигига боғлиқ ва ушбу диссертациянинг асосий мақсадини белгилайди.

Диссертациянинг иккинчи **«Композицион полимер сорбентларнинг таркибини ишлаб чиқиш учун полимер ва минерал материалларнинг тадқиқот объектларини танлаш ва асослаш ҳамда уларнинг хусусиятларини ўрганиш методикаси»** номли бобида саноат оқава сувларида мавжуд металл ионлари билан ўзаро таъсирлашадиган КПСни ишлаб чиқиш учун полимерлар ва органик минерал тўлдирувчиларни ҳамда тажриба-синов тадқиқотларини ўтказиш мақсадида методларини танлаш ва


асослаш ҳисобланади. КПМ ва сорбентларни олиш усуллари физик-кимёвий ва механик, электрофизик ва сорбцион хусусиятларини аниқлаш ҳамда натижаларни математик-статистик ишлаб чиқиш методикаси келтирилган.

Диссертациянинг учинчи «Композицион полимер материаллар ва улар асосидаги сорбентлар олишнинг самарали таркибларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш» номли бобида ППК ва улар асосида сорбцион материалларни олишнинг асосий жараёнларини, уларнинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари, КПС тузилишида комплекслар ҳосил бўлишининг самарали миқдори ҳосил бўлишига минерал тўлдирувчи концентрациясининг таъсири ҳамда ишлаб чиқилган КПСларнинг самарали таркибларини ўрганиш келтирилган.


Полианилин ва полиакрил кислота ҳамда полианилин ва поликапроамид асосидаги ППКнинг кинетикаси, шунингдек, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ИҚ спектроскопия усулида ўрганилган (1-3 расмлар).



1-расм. ПАНИнинг ИҚ спектри




2-расм. ПАКнинг ИҚ спектри




3-расм. ПКАнинг ИҚ спектри

ИҚ спектроскопияси тадқиқоти натижалари шуни кўрсатадики (1-3 расмлар), дастлабки компонентлар ва олинган ППКларнинг ИК спектрлари тегишли функционал гуруҳлар билан тўғри келади, ПАНИнинг ИҚ спектрлари 3330 cm^{-1} ; 1305 cm^{-1} валент тебранишларида C-N гуруҳига, 3085; 2750; 910 cm^{-1} валент тебранишларида CH_2 гуруҳига, 1600-1580 cm^{-1} валент тебранишларида бензол ҳалқасига, валент тебранишларда C-N гуруҳига, 3500; 3200; 1360; 1180; 960; 690 cm^{-1} валент тебранишларида NH гуруҳига, ПАКнинг ИҚ спектрлари 1720; 1735 cm^{-1} , 1700; 1150 cm^{-1} валент тебранишларида карбоксил гуруҳларига, шунингдек, ПКАнинг ИҚ спектрлари 3500; 960; 690 cm^{-1} валент тебранишларида NH гуруҳига тегишли.

4-5 расмларда ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА комплексларининг ИҚ спектрлари кўрсатилган.




4-расм. ПАНИ-ПАК комплексининг ИҚ спектри




5-расм. ПАНИ-ПКА комплексининг ИҚ спектри

4-5 расмлардан кўриниб турибдики, ПАНИ-ПАКнинг ИҚ спектрида қуйидаги ўзгаришлар кузатилди: NH гуруҳига тегишли 3200 см^{-1} валент тебранишлари 3100 см^{-1} гача силжиган, CH_2 гуруҳига тегишли 910 см^{-1} валент тебранишлари 800 см^{-1} гача силжиган, C-C гуруҳига тегишли 1050 см^{-1} валент тебранишлари ютилиш чўққилари пасайган, CO гуруҳига тегишли 1720 см^{-1} валент тебранишлари 1600 см^{-1} гача силжиган, ПАНИ-ПКАда NH гуруҳига тегишли 3200 см^{-1} валент тебранишлари 3150 см^{-1} гача силжиган, CH_2 гуруҳига тегишли 2975 см^{-1} валент тебранишлари 2950 см^{-1} га силжиган, CN гуруҳига тегишли 870 см^{-1} валент тебранишлари 850 см^{-1} гача силжиган.

1-2 схемаларда ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА комплексларининг ҳосил бўлиш реакциялари келтирилган.




1-схема. ПАНИ-ПАК комплексининг ҳосил бўлиш реакцияси




2-схема. ПАНИ-ПКА комплексининг ҳосил бўлиш реакцияси


6-расмда ПАНИ-ПАК комплекси ҳосил бўлишининг вақтга боғлиқлиги келтирилган. Электрон сканерлаш методи ёрдамида ПАНИ-ПАК комплекси ҳосил бўлишининг сирт модификацияси ўрганилди.



а



б




в

а) 2 соатдан кейин; б) 6 соатдан кейин; в) 10 соатдан кейин

6-расм. ПАНИ-ПАК комплексининг электрон сканерловчи микросурати


7-расмда ПАНИ-ПКА комплекси ҳосил бўлишининг вақтга боғлиқлиги келтирилган. Электрон сканерлаш методи ёрдамида ПАНИ-ПКА комплекси ҳосил бўлишининг сирт модификацияси ўрганилди.



7-расм. ПАНИ-ПКА комплексининг электрон сканерловчи микросурати


Электрон сканерловчи микросуратлардан ПАНИ-ПАК ҳамда ПАНИ-ПКА комплекслари устмолекуляр тузулишга эга эканлиги аниқланди. Расмдан ПАНИ ва ПАКнинг ўзаро таъсирланишини аниқ кўриш мумкин.

Термогравиметрик таҳлил усули билан 15°C дан 500°C гача ҳарорат оралиғида ППКларининг вазни йўқолиши аниқланди. 8-расмда ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА комплексларининг термо-деструкцияси дериватограммаси келтирилган. Дериватограммалардан олинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ПАНИда $70\div 80^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратда, ПАКда $90\div 105^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратда, ПКАда $110\div 115^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратда ва ППКларда $190\div 300^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратда масса йўқолиши кузатилмади. Полимерларда масса йўқолиши: ПАНИда 80°C ҳароратдан, ПАКда 105°C ҳароратдан, ПКАда 115°C ҳароратдан, ППКларда масса йўқолиши: ПАНИ-ПАКда 300°C ҳароратдан, ПАНИ-ПКАда 330°C ҳароратдан оширилганда сезила бошланди. ПАНИда ҳароратни 210°C дан, ПАКда ҳароратни 220°C дан, ПКАда ҳароратни 250°C дан, ПАНИ-ПАКда ҳароратни 450°C дан, ПАНИ-ПКАда ҳароратни 495°C дан оширганда кескин масса йўқолиши кузатилди, буни ППКларнинг деструкцияси билан боғлаш мумкин.




8-расм. ПАНИ-ПАК (а) ва ПАНИ-ПКА (б) комплексларининг дериватограммалари

ПАНИ-ПАК комплекси ПАНИ-ПКА комплексидан юқорироқ бўйиш даражасига эга эканлигини 9-расмдан кўриш мумкин.



9-расм. ПАНИ-ПАК (1) ва ПАНИ-ПКА (2) комплексларининг бўйиш эгрилиги


10-расмда ППКнинг 30°C ҳароратдаги сорбцияланиш кинетикаси келтирилган.



[CuSO₄]=40 мг-экв/л (а); [AgNO₃]=25 мг-экв/л (б); [Pb(NO₃)₂]=45 мг-экв/л (в)


10-расм. ПАНИ-ПАК (1) ва ПАНИ-ПКА (2) комплексларининг САС NaOH бўйича 2,0 мг-экв/г

11-12 расмларда ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА билан металл ионларининг ҳарорат таъсиридаги сорбцияланиш кинетикаси кўрсатилган. Ҳарорат ортганда ППКларнинг сорбцияланиш қобилияти ҳам ортади. ППКнинг 50°C гача сорбцияланиш кинетикаси ошиб бориб, 50°C дан кейин мувозанат ҳолатига келганлиги расмларда кўриш мумкин.




20°C (1); 30°C (2); 40°C (3); 50°C (4). Сорбентнинг САС NaOH бўйича 2,0 мг-экв/г

11-расм. ПАНИ-ПАК комплексининг металл ионлари [CuSO₄]=40 мг-экв/л (а), [AgNO₃]=25 мг-экв/л (б), [Pb(NO₃)₂]=45 мг-экв/л (в) сорбциялаш кинетикасининг ҳароратга боғлиқлиги




20°C (1); 30°C (2); 40°C (3); 50°C (4). Сорбентнинг САС NaOH бўйича 2,0 мг-экв/г
12-расм. ПАНИ-ПКА комплексининг металл ионлари $[CuSO_4]=40$ мг-экв/л (а), $[AgNO_3]=25$ мг-экв/л (б), $[Pb(NO_3)_2]=45$ мг-экв/л (в) сорбциялаш кинетикасининг ҳароратга боғлиқлиги

3-схемада ПАНИ-ПАК комплексининг мис ионлари билан комплекс бирикма ҳосил қилиш реакцияси келтирилган.



3-схема. ПАНИ-ПАК комплексининг мис ионлари билан комплекс бирикма ҳосил қилиш реакцияси

ПАНИ-ПАК таркибида юқори реакция қобилиятга эга бўлган амин ва карбоксил гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар металл ионлари билан ўзаро донор-акцептор таъсирланиш орқали боғланган. Буни 4-схемада кўриш мумкин.



4-схема. ПАНИ-ПКА комплексининг мис ионлари билан комплекс бирикма ҳосил қилиш реакцияси


ПАНИ-ПАК таркибида амин ва карбонил гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар металл ионлари билан ўзаро донор-акцептор боғланиш орқали боғланган. Унинг кўп зарядли металл ионлари билан ўзаро кучли таъсирини водород ва металл-координацион боғланишларнинг пайдо бўлишини кузатиш мумкин.

Сорбент сифатида фойдаланиладиган ППКни хусусиятини яхшилаш учун бўкиш қобилиятига эга бўлган минерал тўлдирувчининг (бентонит) таъсири ўрганилди. КПС олиш учун кўшимчанинг асосий тўлдирувчиси сифатида солиштирма юзаси 730 м²/г, ғовак ҳажми 0,88 см³/г, ғовак радиуси 55 нм га эга бўлган Қизилтепа кони бентонитларидан фойдаланилди.

Макроговакли бентонит қарийб ўлчами 20 нм темир оксидининг бирлашган корпускуляр заррачали бир жинсли глобуляр тузилмасига эга. Бентонитдан фарқли ўлароқ ППК ўзгартирилган глобуляр тизимга эга. Бунда қатор физик-кимёвий ва механик хусусиятлар, айнан, мустаҳкамлик, қаттиқлик, иссиққа чидамлилиқ, электр ўтказувчанлик ва бошқа хусусиятларининг яхшиланганлиги аниқланди.


Шундай қилиб, ППК заррачаларида мавжуд устмолекуляр шаклланиши янада йирикроқ ассоциат ҳосил бўлишини кўрсатади. Бундай жараённинг мувозанати 13-расмда тасвирланган. ППК таркибий қисмда сақланган кўпроқ ҳаракатланувчи ПАНИ макромолекулалари қисмидаги камроқ ёки кўпроқ чўзилган ҳалқалар ва қатордан иборат деб хулоса қилиш мумкин. Кейин ППКларнинг бирлаштирилган тугунчаларида бентонит заррачаларининг кетма-кет жойлашиши белгиланади. Агар барча жараёни бентонитнинг дисперсли заррачалари макромолекулаларининг ўзаро таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқилса, макромолекуланинг алоҳида қисмлари ППК бентонит заррачалари билан ўзаро таъсир қилади, деб тўла тасдиқлаш мумкин.

ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА комплекслар микрогетерофазалидир. ППК намунасига бентонит (5-10%) ни киритиш, кўпроқ бир жинсли микроструктурани яратишга ёрдам беради. ППК бентонит қисмлари билан ўзаро таъсири полианилиннинг аминогуруҳлари ва бентонитнинг водород боғланишлари орқали боғланади. Бу ППК билан фақат шарсимон заррачалар юзасида жойлашган гидроксил гуруҳлар реакцияга киришишини кўрсатади (13-расм).



13-расм. Бентонитнинг ППК билан ўзаро таъсири

ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА комплексларига тўлдирувчи сифатида бентонит ва каолин қўшиб, улар сиртининг микротузилишини электрон сканерловчи сураи 14-15 расмларда келтирилган.




а

б

в

ПАНИ-ПАК (а); ПАНИ-ПАК+К (б); ПАНИ-ПАК+Б (в)

14-расм. ПАНИ-ПАК комплексининг электрон сканерловчи микросурати



а


б

в


ПАНИ-ПКА (а); ПАНИ-ПКА+К (б); ПАНИ-ПКА+Б (в)

15-расм. ПАНИ-ПКА комплексининг электрон сканерловчи микросурати

ППКнинг 7÷30 суткадан кейин, 30÷50°C ҳароратда, 1÷20% гача каолин ҳамда бентонит тўлдирувчиси билан тўлдирилганда мустаҳкамлик даражасига боғлиқлиги 16-расмда кўрсатилган. Бентонит қўшилганда КПС мустаҳкамлиги каолинга нисбатан ошиши расмдан аниқ кўриниб турибди.



а



б


а) ПАНИ-ПАК (1); ПАНИ-ПАК+К (2); ПАНИ-ПАК+Б (3)

б) ПАНИ-ПКА (1); ПАНИ-ПКА+К (2); ПАНИ-ПКА+Б (3)

16-расм. ППК мустаҳкамлигининг тўлдирувчи микдорига боғлиқлиги


Тадқиқот натижалари асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин, ППКда гетероген тузилишининг пайдо бўлиши каолин тўлдирувчининг нотекис тақсимланиши ва намуналарнинг мустаҳкамлик хусусияти пасайишига олиб келади. Солиштирма юзаси 0,28÷0,33 м²/г бўлган 10% бентонит тўлдирувчиси билан ППКнинг юқори мустаҳкамликка ва бир жинсли морфологик тузилишига эришиш мумкин.

17-расмда ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА комплексларига тўлдирувчилар қўшилгандаги бўкиш даражалари келтирилган. ПАНИ-ПАКга бентонит қўшилганда юқорироқ бўкиш даражасига эга бўлган.




17-расм. ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА комплексларининг тўлдирувчи қўшилгандаги бўкиш эгрлари

18-19 расмларда ПАНИ-ПАК ва ПАНИ-ПКА комплексларининг металл ионлари сорбциялаш кинетикаси келтирилган.



Сорбентнинг САС NaOH бўйича 2,0 мг-экв/г;
ПАНИ-ПАК+Б (1), ПАНИ-ПАК+К (2), ПАНИ-ПАК (3)

18-расм. ПАНИ-ПАК комплексининг металл ионлари $[CuSO_4]=40$ мг-экв/л (а), $[AgNO_3]=25$ мг-экв/л (б), $[Pb(NO_3)_2]=45$ мг-экв/л (в) сорбциялаш кинетикаси




Сорбентнинг САС NaOH бўйича 2,0 мг-экв/г;
ПАНИ-ПКА+Б (1), ПАНИ-ПКА+К (2), ПАНИ-ПКА (3)

19-расм. ПАНИ-ПКА комплексининг металл ионлари $[CuSO_4]=40$ мг-экв/л (а), $[AgNO_3]=25$ мг-экв/л (б), $[Pb(NO_3)_2]=45$ мг-экв/л (в) сорбциялаш кинетикаси

Статик алмашинув сифими NaOH бўйича 2,0 мг-экв/г га тенг бўлган КПСларнинг сорбцияланиш кинетикаси $[CuSO_4]=40$ мг-экв/л, $[AgNO_3]=25$ мг-экв/л, $Pb(NO_3)_2]=45$ мг-экв/л концентрацияли эритмаларида 30°C да олиб борилди. Натижада ПАНИ-ПАКнинг сорбцияланиш қобилияти ПАНИ-ПКАга нисбатан юқорирок эканлиги аниқланди.

20-расмда ПАНИ-ПАК асосидаги каолин ҳамда бентонит тўлдирувчили КПСнинг сорбцияланиш қобилияти ўзгаришининг ҳароратга боғлиқлиги келтирилган.




Сорбентнинг САС NaOH бўйича 2,0 мг-экв/г;
ПАНИ-ПАК (1), ПАНИ-ПАК+К (2), ПАНИ-ПАК+Б (3)

20-расм. ПАНИ-ПАК комплексининг металл ионлари $[CuSO_4]=40$ мг-экв/л (а), $[AgNO_3]=25$ мг-экв/л (б), $[Pb(NO_3)_2]=45$ мг-экв/л (в) сорбциялаш кинетикасининг ҳароратга боғлиқлиги

Диссертациянинг тўртинчи боби «Ишлаб чиқилган композицион полимер сорбцион материаллар ва улар асосидаги композицион полимер сорбентларнинг технологик, амалий, иқтисодий ва экологик жиҳатлари» номли бобида маҳаллий ва иккиламчи хомашёдан органик минерал ингредиентлар ва ППК асосида КПСни олиш учун модулли технологик линия, хомашё композицияси ва хомашёни тайёрлаш методи, технологияни ишлаб чиқиш соҳасидаги тадқиқот натижалари келтирилган. Ишлаб чиқилган КПС ва уларни олишнинг модулли технологик линиясининг тажриба ишлаб чиқариш синовлари натижалари, технологик жиҳозлардан фойдаланишдаги техника хавфсизлиги бўйича қоидалар ва талаблар, ишлаб чиқилган технологик регламент ва КПСни олишдаги ташкилот стандарти ҳамда рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш ва саноат оқава сувларини тозалаш учун ишлаб чиқилган КПСнинг иқтисодий ва экологик жиҳатлари баён қилинган.

21-расмда ППКлар ва тўлдирувчилар асосидаги КПСни олишнинг технологик схемаси берилган. Босимли бак (3) да анилин сульфати эритмаси тайёрланади, яна бир босимли бак (4) да эса аммоний персульфати эритмаси тайёрланади. Анилин сульфати ва аммиак пересульфат эритмалари аралаштиргич (7) дозатор орқали реактор (1) га келади. Полиакрил кислотаси (5) ва поликапроамид (6) эритмалари аралаштиргич дозатор (7¹) ҳам реактор (1) га келади. Реакторда ҳарорат 5-7°C чегарасида ушлаб турилиши керак. Шунинг учун кимёвий реактор (1) совитиш учун ёпқич ва аралаштирадиган қорғич (чилчўп) (2) билан таъминланган. Жараён тугаганидан сўнг ППК фильтр ювгич (8) га келади, бу ерда олинган ППК фильтрланади, кейин эса HCl кислота билан, сўнг аммиакли сув билан ва охирида нейтрал ҳолатга келгунча тузсизлантирилган сув билан ювилади ва сорбент ингредиенти аралаштиргичи (9) га узатилади. Аралаштиргичга идиш (11) дан маълум миқдорда бентонит узатилади. Олинган КПС 60 дақиқа мобайнида аралаштиргичда қўшимча аралаштирилади. Шундан сўнг, КПС қуритгич (10) га келади ва иссиқ ҳаво билан қурилади. Қурилган КПС абсорбер насадкаси (учлиги) ни тайёрлаш учун қабул қилгич (12) га келади.




1-КПС олиш реактори; 2-реакция аралашмасини аралаштириш учун қорғич; 3-анилин сульфат эритмасининг босимли баки; 4-аммоний персульфат эритмасининг босимли баки; 5-полиакрил кислотаси эритмаси учун идиш; 6-поликапроамид эритмаси учун идиш; 7,7'-дозатор-аралаштиргичлар; 8-фильтр-ювгич; 9-тўлдиргич учун аралаштиргич; 10-ППК қуритгичи; 11-бентонит-тўлдиргич учун идиш; 12-КПСнинг қабул қилгичи.

21-расм. КПС олиш учун технологик линиянинг принципаал схемаси

Юқорида таъкидланганидек, КПСнинг тажриба ишлаб чиқариш синовларида турли усуллардан фойдаланиб поликислотали полианилин композицияси ва ППК асосида электр ўтказувчи КПСни олишнинг самарали жараёнлари ишлаб чиқилди. Тадқиқот натижалари КПСнинг, элект ўтказувчанликка мустаҳкамлиги, рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларнинг қатор ионларини ютишга қодирлиги, бўккан ҳолатдаги тиниқлиги каби муҳим физик-кимёвий хусусиятларга эгалигини кўрсатди, шунингдек мис, кумуш ва бошқалардан иборат саноат оқава сувларини тозалаш учун синовларнинг юқори сорбцион хусусиятга эга эканлигини тасдиқлади. КПСнинг тажриба-ишлаб чиқариш синовини ўтказиш учун «КВ-КОМПОЗИТ» МЧЖ махсус конструкторлик бюросида бизнинг томонимиздан 22-расмда схемаси берилган рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш ва саноат оқава сувларини тозалаш жараёни учун технологик линияси ишлаб чиқилди.

22-расмда рангли, оғир ва нодир металлларни ажратиб олиш ҳамда саноат оқава суви аралашмаларини тозалашнинг технологик жараёни кўрсатилган. 1 ва 4 идишларда саноат оқава сувларини қайта ишлаш жараёни амалга оширилади ва тозаланган сув идишга (5) тушади. Эксперимент тугаганидан сўнг КПС сорбцияланган металлни олиш мақсадида электролиз (6) жараёни ва КПСнинг дастлабки ҳажмини тиклаш хусусиятлари мавжуд



22-расм. КПС билан саноат оқава сувларини тозалаш ва рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш учун технологик линия схемаси

Тадқиқотлар КПСга тозаланган саноат оқава суви қайта юборилганда металл ионларининг самарали сорбциялашини кўрсатди. КПС билан металллар ионлари сорбцияси натижасида сорбент ҳажми катталашини ва бўкиш жараёнини бўлиб ўтиши ҳамда унинг ранги ўзгариши аниқланди. Бўккан намуналар электролиз усулида тозаланилади, яъни улардан рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни енгил ажратиб олиш имконини беради. Электролиз жараёнида КПСнинг дастлабки параметрлари тикланади, саноатнинг оқава сувларидан рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш ва тозалаш жараёнида ундан такрор фойдаланиш мумкин бўлади. Ишлаб чиқилган КПС 9-10 марта фойдаланишга яроқлидир.

КПСни олиш учун ташкилот стандарти ва тажриба-синов технологик регламенти ишлаб чиқилди. Ушбу ташкилот стандарти саноат оқава сувларини тозалаш ва рангли, оғир ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш учун саноат корхоналарида қўлланади. Навоий кон-металлургия комбинати

Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида ва «КВ-КОМПОЗИТ» МЧЖ махсус конструкторлик бюросида КПСни татбиқ этишдан кутилаётган умумий йиллик иқтисодий самара 1,4 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида композицион полимер сорбентларнинг самарали янги таркиби ва уни олиш технологияси илмий асосланиб, кимё ва металлургия саноатидан чиқадиган оқава сувларни тозалашга тавсия этилди.

2. Ишлаб чиқилган полимер-полимер комплекс асосидаги композицион полимер сорбентларнинг сорбцияланиш кинетикасини ўрганиш натижасида жараён механизмини кимёвий сорбцияланиш билан бориши аниқланди.

3. Полимер-полимер комплексга 10% мас.қ. бентонит қўшиб, мустаҳкамлиги, сорбцияланиши ва бўқиш даражаси юқори бўлган таркиб тавсия этилди.

4. Электрон сканерловчи микроскоп орқали композицион полимер сорбентларнинг устмолекуляр структурага эга эканлиги исботланди.

5. Композицион полимер сорбентлар олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилди ва кимё, металлургия саноати корхоналаридан чиқадиган оқава сувларни тозалаш учун тавсия этилди.

6. Композицион полимер сорбент CuSO_4 сувли эритмасига чўктирилганда, мис ионларининг самарали сорбцияланиши полимер-металл-полимер комплекси ҳосил бўлиши билан рўй бериши кузатилди.

7. Композицион полимер сорбент олиш учун керакли илмий-техник ҳужжатлар (технологик регламент ТР40.4-14952796-029 22019, ташкилот стандарти Ts 21645528-08:2019) ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/Т.03.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИТАРНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ»
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ»
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

ТУХТАЕВ ФЕРУЗ САДУЛЛОЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНЫХ СОСТАВОВ
КОМПОЗИЦИОННЫХ ПОЛИМЕРНЫХ СОРБЕНТОВ НА ОСНОВЕ
МЕСТНОГО И ВТОРИЧНОГО СЫРЬЯ И ТЕХНОЛОГИИ ИХ
ПОЛУЧЕНИЯ**

02.00.07 – «Химия и технология композиционных, лакокрасочных и
резиновых материалов»

02.00.06 – «Высокомолекулярные соединения»
(технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2019.3.PhD/T426 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертационная работа выполнена в ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.gupft.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители:

Негматов Сайибжан Садикович
академик АН РУз,
доктор технических наук, профессор

Негматова Комила Сайибжановна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бабаев Туйгун Мирзаахмедович
доктор химических наук, профессор

Ибодуллаев Ахмаджон Собирович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «26» декабря 2019 года в «14⁰⁰» часов на заседании разового научного совета DSc.27.06.2017.K/T.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: gupft@inbox.uz, в здании «Фан ва тараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номером №15). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «12» декабря 2019 года.
(протокол реестра №15 от 18 ноября 2019 года).

А.В.Умаров

Председатель разового научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

М.Г.Бабаханова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, к.х.н., с.н.с.

Н.Х.Талипов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире о выделении цветных, тяжелых и благородных металлов при очистки промышленных сточных вод в химической и металлургической промышленных производств, путем разработки и применения композиционных полимерных материалов (КПМ) и сорбентов на их основе. В связи с этим, особое значение уделяется созданию составов КПМ и создание на их основе высокоэффективных сорбентов для выделения цветных, тяжелых, и благородных металлов, и очистки промышленных сточных вод, применяемых в указанных отраслях промышленности.

В настоящая время в странах мира ведутся исследования по разработка недефицитных, сравнительно дешевых, КПМ, обладающих высокой сорбционной способностью и физико-механических свойств и соответственно долговечностью, является особой задачей. При этом необходимо создать композиционных полимерных сорбентов (КПС) нового поколения на основе местного сырья и отходов производств, предназначенных для выделения цветных и тяжелых металлов и очистки промышленных сточных вод в производстве металлургических и химической промышленности.

В республике проводятся мероприятия и достигнуты определенные результаты в области получения КПС на основе местных сырьевых ресурсов. В стратегии действий развития Республики Узбекистан поставлены важные задачи «Стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов внедрения инновационных достижений в практику»¹. В этом аспекте развитие данного научного направления и разработка эффективных составов и получение КПС для выделения цветных тяжелых и благородных металлов и очистки промышленных сточных вод представляет особое значение.

Данное диссертационное исследование, определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы», в постановлении Президента Республики Узбекистан от 1 ноября 2017 года №ПП-3365 «О мерах по дальнейшему укреплению инфраструктуры научно-исследовательских учреждений и развитию внедрения инновационной деятельности», в постановлении Президента Республики Узбекистан от 27 апреля 2018 года №ПП-3382 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», в постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 мая 2018 года №ПП-3698 «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

сферы экономики», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. По разработке новых КПМ, в том числе сорбционных материалов внесли определенный вклад такие ученые, как A.Nayashi, S.Hulemand, R.Morgen, A.D'Amore, D.Jully, G.Akovali, Н.С.Ениколопов, С.Н.Журков, В.В.Коршак, С.А.Белый, В.А.Вольфсон, А.А.Берлин, М.С.Акутин, Ю.С.Липатов, Э.Ф.Олейник, Ф.Мэттьюз, Г.С.Головкин, М.А.Аскаров, С.Ш.Рашидова, С.С.Негматов, О.М.Ёриев, Т.М.Бабаев, Н.Р.Ашуров, А.Х.Юсупбеков, а разработке технологии, изучение свойств, получения полимерных композиционных и сорбционных материалов посвящены работы A.Kumar, M.M.Pearlman, B.Arkes, S.Geracaris, R.Goudhue, A.A.Askadski, А.Д.Яковлева, В.Г.Савкина, В.П.Соломко, Х.И.Акбарова, М.Г.Мухамедиева, Ф.Н.Юсупова, А.С.Ибодуллаева, К.С.Негматовой, Д.А.Гафуровой, Д.А.Каримовой, А.Н.Набиева и многих других.

Исходя из анализа существующих работ, что работы в области разработки высокоэффективных КПМ и сорбентов на их основе для выделения цветных, тяжелых и благородных металлов и очистки промышленных сточных вод, обладающих высокими сорбционными способностями и физико-механическими свойствами и соответственно долговечностью недостаточно решены. Это связано со сложностями, связанными с комплексным изучением в сочетании полимер-полимерных, полимер с органоинеральными ингредиентами и металлокомплексами, их механизмов взаимодействия КПМ, работающих для извлечения цветных, тяжелых и благородных металлов и очистки промышленных сточных вод металлургической и химической промышленности. Решению этих проблем и посвящена настоящая диссертационная работа.

